

И. ТЎХТИЕВ

ТАНГАЛАР
ТИЛГА
КИРГАНДА

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
1989

63.3(2У)
Т 98

Ушбу рисолада Урта Осиё ва Шарқий Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган тарихий воқеаларни ёритишда тангаларнинг роли, улар ёрдамида очилган тарихнинг янги саҳифалари ҳақида фикр юритилади.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
тарих фанлари кандидати Э. Ртвеладзе

Тақризчилар:
тарих фанлари кандидатлари Э. Исмагов, А. Хўжаев

Ирпан Тўхтиев

МОНЕТЫ РАССКАЗЫВАЮТ

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган.

Муҳаррир *М. Шамсутдинова*
Рассом *А. Баҳромов*
Бадний муҳаррир *Р. Кривошей*
Техмуҳаррир *Н. Абдурахмонова*
Қорректор *С. Зокирова*

ИБ № 4894.

Тартибга берилди 22.02.89. Босишга рухсат этилди 25.03.89. P10539. Формат 84×108¹/₃₂. Босмаҳона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 2,10. Ҳисоб-нашриёт л. 1,9. Тираж 9100. Заказ 64. Баҳоси 50 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

ЎзССР «ФАН» нашриётининг босмаҳонаси: 700170. Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

Т 0502000000 - 4045
М355(04) - 89 250—89

© Ўзбекистон ССР
«Фан» нашриёти, 1989 й.

ISBN 5—648—00559—8

КИРИШ

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг нумизматика бўлими Урта Осиё бўйича энг кўп ва энг бой қадимий тангалар сақланадиган ва уни ўрганадиган илм-фан даргоҳларидан биридир.

Бу ерда жамланган тангалар эрамиздан аввалги IV асрда зарб қилинган «дарик» деб аталган Эрон шоҳи Доронинг тилла пуллари ва Александр Македонскийнинг «тетрадрахма»сидан тортиб XX асрнинг бошларигача Урта Осиёда зарб қилинган ва савдо муомаласида юритилган 65 мингдан кўп турли-туман олтин, кумуш ва мисдан ишланган пуллар сақланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси ўлкамизнинг иқтисодий ривожланиш тарихи, савдо, ҳунармандчилик ва қўшни мамлакатлар билан бўлган савдо алоқалар тарихини ўрганишимиз учун ниҳоятда қимматли манбалар берадиган илм хазинаси ҳисобланади.

Нумизматика танга пуллар, яъни олтин, кумуш ва мисдан ишланган металл пуллари ўрганиш ҳақидаги фандир. Нумизматика тушунчасига яна қоғоз пуллари ўрганиш (бонистика) ва орден, медаль житон ҳамда значокларни ўрганиш (фалеристика) ҳам киради.

Танга пуллар қадимий даврларда, яъни меҳнат тақсимоти пайдо бўлиб, ишлаб чиқариш анча ривожланган, ишлаб чиқарган маҳсулотлари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжидан ортиб қолган ва уни бошқа маҳсулотлар масалан, қишлоқ хўжалик ёки қўл ҳунармандчилик маҳсулотлари билан алмаштириш зарурияти туғилган бир даврда молларнинг алмаштириш эквиваленти сифатида пайдо бўлган.

Юнон олимлари Геродот ва Ксенофотларнинг маълумотларига кўра, биринчи тангалар эрамиздан олдинги VII асрда Кичик Осиёнинг Лидия давлатида электрдан—олтин ва кумушнинг табиий қоришмасидан, яъни юнонликлар «оқ олтин» деб юритган маъдандан ишланган бўлса, кейинчалик Қора денгиз ва Урта Ер денгизи

бўйидаги Юнон ва Рим давлатларидаги йирик шаҳарларда бу тангаларни соф кумуш ва мисдан зарб қила бошладилар.

Ўрта Осиёда биринчи юритилган пуллар Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) даврига (эрамиздан олдинги IV асрга) мансубдир. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг (эрамиздан олдинги 323 йили) унинг империяси майда бўлақларга бўлиниб кетди. Империянинг Осиё қисми Искандар Зулқарнайннинг саркардаларидан Селевк асос солган Селевкидлар давлати таркибига кирди. Селевкининг ўғли Антиох (280—261 йилларда) Ўрта Осиёда биринчи бўлиб пул чиқаришга бошлади.

Эрамиздан олдинги III аср ўрталарида Ўрта Осиёнинг жанубий районларини, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир қисмини ўз ичига олган Грек—Бактрия подшолиги ташкил топди. Дастлабки даврларда тангалар Ўрта Осиёнинг фақат грек аҳолиси орасидагина юритилган бўлса керак, чунки бу пайтда туб аҳоли ҳали пул-товар муомаласи юритишга улгурмаган эди. Бу жараён эрамиздан олдинги III аср, яъни икки мустақил: Парфия ва Грек—Бактрия подшолиги пайдо бўлган даврда бошланган, деб тахмин қилиш ҳар ҳолда ҳақиқатга хилоф бўлмаса керак, деб ҳисоблайди таниқли совет тангашунос олимларидан Е. В. Зеймал ва Э. В. Ртвеладзелар¹.

Нумизматика баъзан тарихнинг муҳим саҳифалари бўлган ўз замонасининг сиёсий-иқтисодий тузумларини очиб беришда ва тарихий ҳужжатларда қайд қилинмай қолган воқеалар, подшоларнинг ҳукмронлик қилган йилларини ва унинг номларини аниқлашда жуда катта роль ўйнайдиган асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Илк ўрта аср даврида шарқ мусулмон давлатларида зарб қилинган ҳамма тангаларга ерли ҳукмдор ўз номи билан бирга халифа номини ҳам қўшиб зарб қилган. Чунки халифа худонинг ердаги ноиби энг олий диний ва сиёсий ҳокимият рамзи ҳисобланган. Агар тангаларда халифанинг номи қайд қилинмаган бўлса, демак ерли ҳокимият билан Амир ал-мўминин (мусулмонлар Амири) нинг ўртасида қандайдир сиёсий низо борлигини ва ёки унга қарам эмас, мустақил давлат эканлигини кўрсатадиган асосий далил бўлган.

Рус ва совет шарқшунос олимларидан В. В. Григорь-

¹ Ртвеладзе Э. В. Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари. Тошкент, 1987, 10-бет.

ев, И. Я. Златкинлар ўз асарларида², Шарқий Туркистон, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда маълум вақт ҳукмронлик қилган жунғор хонлиги даврида савдо муомаласида ҳеч қандай пул ишлатилмай, натурал хўжалик ва натурал алмаштириш мавжуд эди, деб ёздилар.

Нумизматика фани жунғор хонларидан Цевон—Рабдон (1697—1727), Ғолдон—Церен (1727—1745)лар номи ёзилган ва савдо муомаласида юритилган мис пулларнинг Ёркенд шаҳрида зарб қилинганлигини исботлади. Ана шундай пуллардан саккиз донаси музейимизнинг нумизматика фондида сақланмоқда (1, 2-фототаблицага қаранг).

Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг нумизматика фондида фақат Ўрта Осиё тангалари сақланибгина қолмай, балки унга қўшни Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Шарқий Туркистонда зарб қилинган танга пуллар ҳам сақланмоқда.

Ушбу рисолада Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида зарб қилинган тангаларнинг бу ерда юз берган тарихий воқеаларни ёритишдаги роли ва аҳамияти кўрсатилади.

² Григорьев В. В. Восточный или Китайский Туркестан. СПб., 1873, с. 374 и примечание 46; Златкин И. Я. Истории Джунгарского ханства. М., 1964, с. 234.

ТАНГАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларининг тарихий илдизи жуда қадим даврларга бориб тақалади.

Бу икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатлари фақат этник жиҳатдангина эмас, балки маданият, урф-одат ва улар яратган моддий маънавий ёдгорликларнинг умумий ўхшашлигида ёрқин мужассамлангандир.

Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистон халқлари бир неча асрлар давомида бир давлат таркибида яшадилар, Кушон подшолиги (эрамиздан олдинги I аср ва эрамизнинг III асрларида) бутун Ўрта Осиё, Шарқий Туркистондаги катта шаҳарлардан Хўтан, Ёркенд, Кошғар ва Кучарларни ўзига бирлаштирган эди.

V асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиёда янги Эфталитлар давлати ташкил топди, бу давлат ҳам, Кошғар, Кучар, Қорашаҳар ва Урумчи каби бир қатор шаҳарларни ўзига қаратди ва VI асргача ҳукмронлик қилди. VI асрнинг бошларида Мўғулистон, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёдаги Амударё қирғоқларигача бўлган катта территорияда Турк ҳоқонлиги ташкил топди. Бу ҳоқонлик эрамизнинг 588 йили иккига бўлинди, Мўғулистонни марказ қилган Шарқий турк ҳоқонлиги (таркибига Мўғулистон ва Хитойнинг шимолий-ғарбидаги территориялар кирган) бўлса, Етгисувни марказ қилган Ғарбий турк ҳоқонлиги таркибига Амударёгача бўлган Ўрта Осиё территорияси ва Шарқий Туркистон кирган эди.

XI—XII асрларда Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонни бирлаштирган Қорахонийлар давлати, XIII асрдаги мўғул истилоси даврида, Темур ва теурийлар даврида (XIV—XV аср) Ўрта Осиёда уч хонлик (Бухоро, Хива ва Қўқон) даврида XVII—XIX асрларда ҳам Шарқий Туркистон билан Ўрта Осиё халқлари доим бир-бирлари билан сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келди.

Ўрта Осиё билан Шарқий Туркистон қадимдан бир

давлат таркибига кирганлиги учун бу икки территорияда юритилган тангалар ва уларнинг системаси ҳам кўп вақт бир бўлган.

Бу пуллар қадимий Юнонистон (Греция) пулларининг намунаси бўйича зарб қилиниб, уларга грек ёзувлари ва подшоларининг портрети туширилгандир.

Грек—Бактрияда зарб қилинган пулларнинг номи ҳам грекча эди. Жумладан, олтин пуллар статер, кумуш тангалар тетрадрахма, драхма ва ярим драхмаларга бўлинар эди. Ҳатто пулларнинг оғирлик вазни ҳам грек оғирлик ўлчовига тўғри келган. Яъни тетрадрахмалар 16 граммга, драхма 4 грамм бўлган. Кундалик майда савдода фойдаланиш учун мўлжалланган мис пуллар ҳам чиқарилган эди.

Шарқий Туркистонда эрамиздан олдинги III—II асрларда зарб қилинган пуллар ҳам грек пулларининг номи билан тетрадрахма, драхма деб аталиб, бу пулларнинг оғирлиги ҳам грек оғирлик ўлчови бирлигига тўғри келар эди¹.

Эрамизнинг бошларида ташкил топган Кушон подшолиги эрамизнинг I—II асрларига келиб жуда ҳам раванқ топди. Унинг тангаларида грек алифбесидан фойдаланиш давом этди.

Кушон давлатида олтин, мис тангалар зарб қилинган бўлиб, бу тангалар Урта Осиё билан бир қаторда Шарқий Туркистоннинг савдо муомаласида ҳам юритилар эди. Бунга Шарқий Туркистонда Кушон пулларининг жуда кўплаб топилиши далил бўлади².

Эрамизнинг III асрларида Эронда Сосонийлар сулоласи ўз ҳукмронлигини ўрнатди, уларнинг зарб этган кумуш тангалари Шарқий Туркистонда тез-тез топилиб турмоқда³.

Эрон тангаларининг бу жойлардан топилиши Шарқий Туркистон халқларининг Урта Осиё ва Эрон билан ўзаро савдо, маданий алоқаларининг кучли бўлганлигини кўрсатувчи жонли фактдир. Сосонийлар пуллари

¹ Литвинский В. А. Исторические судьба Восточного Туркестана и Средней Азии. — В сб.: Восточный Туркестан и Средняя Азия. М., 1984, с. 16.

² Дьяконова Н. В., Сорэкин С. С. Хотонские древности. Л., 1960, с. 37.

³ Сянай. Каогу сюе лунь вэнь цзи (Хитой археологларининг илмий мақолалар тўплами). Пекин. 1961, 117—128-бетлар: Люйчун. Синьцзян уши сянь фо сян зинь тияо хи да пи Бу си инь би (Синьцзян Учтурфон уезидан топилган тилла қуйма ва Эрон кумуш тангалари ҳақида). Каогу (археология) журналы, 1959, 9-сон, 482-бет; 1974, 2-сон, 132-бет.

ни Хитой шаҳарларида ҳам кўплаб топилиши Эрон пулларининг бу даврда Хитой мис (бронза) пулларига нисбатан обрў эътиборининг кучли бўлганлигини кўрсатадиган муҳим ҳужжатдир.

Эрамизнинг IV—VI асрларининг биринчи ярмида Урта Осиёда ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўзига бирлаштирган Эфталитлар давлати ҳам ўз пулларини Эрон Сосонийлар сулоласининг пулларига тақлид қилиб, зарб қила бошлади.

Бу пуллар ҳам Шарқий Туркистон ва Хитой шаҳарларида жуда кўплаб топилмоқда⁴.

Урта Осиё ва Шарқий Туркистон VI асрда Турк хоқонлиги таркибида эди. VII асрнинг иккинчи чорагидан эътиборан Самарқанд ва Шош (Тошкент) подшолари тўрт бурчак шаклидаги тешикка эга бўлган Сўғд ёзуви битилган мис тангаларни зарб қилган эдилар, ана шундай Сўғд ёзувидаги пуллар Урта Осиёдагина эмас, балки Шарқий Туркистондаги Кучар ва Хўтан шаҳарларидан ҳам топилган⁵.

XI—XII асрлардаги Қорахонийлар, XIII асрдаги Мўғул истилоси, XIV—XV асрлардаги Темур ва Темурийлар даврида, ундан кейин Шарқий Туркистонда 1514—1533 йиллари Султон Сайд хон ҳукмронлик қилган Ёркенд хонлиги давридан то Шарқий Туркистонни Манъжур империяси босиб олганга қадар (1759 йил) Урта Осиёда юритилган пуллар билан Шарқий Туркистонда юритилган пулларнинг ташқи кўринишидаги ёзувлари ва унинг оғирлик вазнларида жуда кўп ўхшашлик мавжуд.

Шунинг учун ҳам Хитой тарихчи олими—нумизмат Пен Синь вей «Шарқий Туркистон танга пуллари Хитой пулларидан кескин фарқ қилади. Шарқий Туркистон қадимданоқ олтин, кумуш каби қимматбаҳо металллардан тангалар зарб қилган бўлиб, бу тангалар кўпроқ Урта Осиё пулларига ўхшаб кетади»⁶ — деб ҳақли тарзда эътироф қилган эди.

Ана шу фактларнинг ўзи Урта Осиё халқлари билан Шарқий Туркистон халқлари қадимдан бир давлат таркибида яшаганлиги, бир-бирлари яқиндан савдо, иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлигини ва ҳатто ҳарикки территорияда зарб қилинган тангалар ҳеч қандай

⁴ Ся на й. Каогу сюе лунь вэнь цзи (Хитой археологларининг илмий мақолалар тўплами.) Пекин, 1961, 123-бет.

⁵ Синьцзяннинг қисқача тарихи. I-қисм. Урумчи, 1984, 201-бет.

⁶ Пэнь Син вэй Чжунго хоби ши (Хитой пуллари тарихи). Шанхай, 1954, II-қисм, 510-бет.

чеклашга учрамаган ҳолда савдо муомаласида юритилиши бу икки халқ ўртасида дўстлик алоқасининг илдизи жуда узоқ даврларга бориб тақалишини кўрсатадиган тарихий фактдир.

Тангалар ҳужжатларга мурожаат қилмай ўзи ҳақида маълумот бераоладиган ёзма тарихий манбадир. Тангалар ўз халқининг ўтмиши ҳақида кейинги авлодларга сўзлаб берувчи тарихнинг жонли гувоҳи бўлибгина қолмасдан, балки ғаразгўйлик мақсадлари билан тарихни бузувчи, уни сохталаштирувчилар учун жиддий зарба берадиган тарихнинг жонли гувоҳи сифатида ўз ўлка тарихини ёритишда жуда катта роль ўйнайдиган асосий омиллардан биридир.

РАШИД АД-ДИН-ХОН ТАНГАЛАРИ

1759 йили Хитойдаги Цин сулоласи, Манъжур Хитой феодал босқинчилари Шарқий Туркистонни босиб олди. Шарқий Туркистонда XV асрда Султон Сайд хон ҳукмронлик қилган Ёркенд хонлигини ағдариб ташлаб, бу жойда Цин сулоласи ўз ҳокимиятини ўрнатишга муяссар бўлган эди.

Цин сулоласи Шарқий Туркистон халқларининг қўшни халқлар билан бўлган ўзаро маданий ва иқтисодий алоқаларини узиб қўйиш мақсадида Шарқий Туркистонда илгари савдо муомаласида юритилган кумуш ва мис тангаларни йўқ қилди. Кумуш тангаларни қуйма ёмбига айлантириб, мис тангаларни эса қайта қуйиб, 1760 йилдан бошлаб Хитой пулларини чиқара бошлади.

Император Цянь лун даврида (1736—1795) зарб қилинган бронза пулларнинг олд томонидан Цянь лун тун бао (император Цянь лун пули ҳамма жойда юритилади) деб ёзилган бўлса, орқа томонига бу пуллар зарб қилинган шаҳарнинг номи манъжур, хитой ва уйғур тилида ёзилгандир. Ундан кейинги Хитой императорларидан Цзя цин (1796—1820), Дао гуан (1822—1850), Сянь фэн (1851—1861) (3, 4, 5, 6-фототаблицаларга қаранг) даврларида ҳам худди ана шундай пулларни, ҳар бир император ўз номидан чиқара бошлади. Бу бронза пулларни ерли халқлар ярмоқ пул деб атади.

Шарқий Туркистоннинг ўртасидан кесиб ўтган Тянь-Шан тоғи бу ўлкани табиий шароитлари бир-биридан кескин фарқ қиладиган икки географик зоналарга ажратади.

Тянь-Шан тоғининг жанубий қисми Кошғария—Ол-

тишаҳар ёки Еттишаҳар деб аталса, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ғарбий Европа ва рус манбаларида «Малая Бухара» (Кичик Бухоро) деб аталар эди.

Тянь-Шан тоғининг шимолий томони эса бу ўлкага XVII асрнинг бошларида ҳозирги Мўғулистон ва Олтой тоғлари атрофидан кўчиб келган ва кейин 1755 йиллари манъжур хитойлар томонидан бу ўлкани босиб олиш жараёнида бутунлай йўқ қилиб қириб ташлаган жунғор қабилалари номида Жунғория деб аталади.

Цин сулоласининг Қошғарда зарб қилган бронза пуллари билан Жунғорияда (Илида) зарб қилинган пуллар бир-бирларининг территорияларида юритилмас эди.

Қошғарда ва Илида зарб қилинган пулларнинг олд томони ўхшаш бўлса ҳам, лекин унинг оғирлик вазни бир-биридан фарқ қилар эди. Яна Қошғарда зарб қилинган ярмоқ пулларнинг орқа томонига зарбхоналар хитой, манъжур ва уйғур тилларида ёзилган бўлса, Илида зарб қилинган пулларда фақат манъжур ёзувида «Илий» деб ёзилган, унда хитой ва уйғур ёзувлари йўқ.

Цин хонлиги Шарқий Туркистонни забт этган куниданоқ миллий-озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. Ана шундай кенг кўламдаги қўзғолонлар 1760 йили Қошғарда, 1765 йили Учтурфанда, 1816, 1820, 1825—1828, 1830, 1847, 1856, 1857 йиллари Қошғар, Хўтан ва Ёркенда бўлиб ўтди.

Миллий-озодлик ҳаракатларининг энг каттаси 1826 йилдаги Жаҳонгир Хўжа қўзғолонидир.

Баъзи маълумотларга қараганда Жаҳонгир Хўжа, Қошғар, Хўтан, Ёркенд ва Янги Хисорларни эгаллаб олгандан сўнг, бу жойларда ўз номида тангалар зарб қилган⁸.

Жаҳонгир Хўжа қўзғолонини Қўқон хони Муҳаммад Алихон қўллаб-қувватлаб, унга Қошғарни озод қилишда ўз қуроли кучлари билан ёрдам қилди. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Алихон Қўқонга қайтиб келгандан кейин, 1828 йилдан бошлаб Қўқонда зарб қилган танга пулларини «Ғози» номи билан чиқара бошлади, бу тангаларнинг олд томонига «محمد علی خان غازی» (Муҳаммад Алихон ғози) деб ёзилган бўлса, орқа томонига

⁷⁻⁸ Куропаткин А. Н. Кашгария. Историко-географический очерк страны, её военные силы, промышленность и торговля. СПб., 1879, с. 115.

⁹ Ишанханов С. Х. Каталог монет Коканда XVIII—XIX вв. Ташкент, 1976, с. 10.

« ضرب خوقند لطيف » (зарб Қўқон латиф) деб ёзилган⁹.

XIX аср ўрталарига келиб Манъжур-Хитой амалдорлари, судхўр феодал помешчиклар билан чет эл капиталистларининг олиб борган иқтисодий талон-тарожлик ва миллий зулмига қарши Хитой тарихида энг катта деҳқонлар қўзғолони 1850 йилдан 1864 йилгача давом этди.

Бу қўзғолонни Цин хонлиги чет эл тажовузчиларининг актив қуроли аралашуви ва ёрдам бериши натижасида бостирди. Кейинроқ Хитойнинг шимолий-ғарбидаги майда миллатлардан дунгон халқи ҳам ўзларининг миллий озодлиги учун кураш олиб бордилар.

Янцзи дарёси қирғоқларидаги Хитой деҳқонларининг озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб ва унинг бевосита таъсири остида Шарқий Туркистонда ҳам миллий-озодлик ҳаракатлари авж олди. Натижада Шарқий Туркистондаги Цин ҳукмронлиги ағдарилиб, 1864 йилдан 1877 йилгача бу территорияларда мустақил Уйғур хонлиги ташкил топди ва бу давлат ўн тўрт йил мустақил яшади. Шарқий Туркистондаги ана шу миллий-озодлик курашининг актив иштирокчиси тарихчи Муса Сайрабий ўзининг «Тарихи и аминия» китобида бу воқеаларнинг бошланиш сабабини қуйидагича таърифлайди: «Хитой зулмига қарши Кучар халқи қўзғолди, бу бир минг икки юз саксон бир мохмухаррамнинг бири шанба кечаси илан йили эди»¹⁰, — деб ёзади, яъни бу эрамининг 1864 йил 6 июнь кунига тўғри келади¹¹.

Халқ Манъжур-Хитой аскарлари ва унинг амалдор бекларининг қаршилигини енгиб, 7 июнь куни Кучар шаҳрини бутунлай озод қилди. Кучарда бошланган миллий озодлик ҳаракати тез орада бутун Шарқий Туркистонга тарқалди. Шу билан бир вақтда Кошғар халқи ҳам қўзғолди, бунга қирғиз бекларидан Содиқбек уч минг отлиқ аскар билан ёрдам бериб, Кошғарни Манъжур-Хитой зулмидан озод қилишда актив роль ўйнади. Содиқбек Кошғарда ерли феодал руҳонийлардан таркиб топган ўз ҳукуматини тузиб, бутун Кошғар вилоятига ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

¹⁰ Мулла Муса бин Мулла Айса Сайрами. Тарихи и аминия. Қозон, 1905, 45-бет.

¹¹ 1864 йил 6 июнь душанба кунига тўғри келади, агар биз автор айтганидек шанба куни деб олсак, унда қўзғолон бошланган кун 4 июнга тўғри келади. Хитой манбалари ҳам 4 июнни тасдиқлайди.

1864 йил июль ойининг иккинчи ярмида Хўтан халқи қўзғолиб Ҳабибулло Хожини подшо деб эълон қилди¹².

1864 йили июль ойида Урумчи халқи ҳам қўзғолиб, Манъжур-Хитой аскарларини Урумчи ва унинг атрофидаги территориялардан қувиб чиқариб, у ерда Довут халифа бошчилигида мустақил Дунгон хонлиги тузилди.

1864 йили сентябрда Абдурасулбек ва Содир Полвонлар бошчилигидаги Или халқи қўзғолиб, Илий Чжанг дцзун (генерал губернатор) ҳукмронлигини афдариб ташлаб, Аълохон тўра бошчилигида Илий султонлиги ташкил топди.

Шундай қилиб, 1864 йил 4 июнида Кучарда бошланган уйғур халқининг миллий-озодлик ҳаракати тез орада бутун Шарқий Туркистон территориясига тарқалиб, бу ерда бешта мустақил хонлик ҳокимияти ташкил топишига сабаб бўлди. Бу фактнинг ўзи Шарқий Туркистон халқи бир ёқадан бош чиқариб курашса ҳар қандай зулматли қора кучга қарши мардона тура олишини кўрсатди.

Лекин Шарқий Туркистонда, шаклланган беш мустақил ҳокимият ўртасида ўзаро иттифоқ бўлмади. Вазият Манъжур-Хитой мустамлакачиларига қаттиқ зарба бериш ва уларнинг зулмидан узил-кесил озод бўлиш учун Шарқий Туркистондаги майда тарқоқ кучларни бирлаштириб, душманга қарши туришни тақозо қилар эди.

Шарқий Туркистонни бир бутун давлат қилиб бирлаштиришга Кучар хони Рашид ад-Дин хон ҳаракат қилган бўлса ҳам, лекин у бундай улугвор ишни уdda қила оладиган ташкилотчилик талантига эга қобилиятли, уддабурон киши эмас эди.

Рашид ад-Дин хоннинг Кучарда олиб борган муҳим иқтисодий чора тадбирларидан бири, у ўзининг сиёсий ва иқтисодий қувватини мустаҳкамлаш учун Кучарда 1864 йилнинг ўзидаёқ ўз номидан Хитой пуллари типиди, яъни ўртаси тўртбурчак шаклидаги тешикка эга бўлган мис пулларни қуйишга бошлади. Бу пулларни чиқаришда у қўзғолондан илгари Кучар ва Оқсувда Цин сулоласи томонидан қурилган зарбхоналардан фойдаланди.

Кучардаги зарбхоналарда чиқарилган пулларнинг олд томонига «*رەشىدین خان سید غازی*» — Рашид ад-Дин

¹² Муса Сайрами. Уша асар, 168—169-бетлар.

хон Сайд ғози деб ёзилган бўлса, орқа томонига « ضرب دار السلطنة کوچا » — зарб дар-ас Салтанат Кучар деб ёзилгандир (7-фототаблицага қаранг).

Худди ана шундай пуллар Оқсув зарбхоналарида ҳам қуйилган бўлиб, унинг олд томонига « رشيدین خان » — Рашид ад-Дин Сайд хон ғози, — деб ёзилган бўлса, орқа томонига « ضرب دار السلطنة آقسو » — зарб дар-ас Салтанат Оқсув, — деб ёзилган эди. (8-фототаблицага қаранг).

Рашид ад-Дин хон Шарқий Туркистонни бир бутун давлат ва бир байроқ остига уюштириб, ҳарбий ва иқтисодий кучларни бирлаштириб, уйғурларнинг мустақиллигини сақлаб қолиш ва ўзаро бирлашиш учун Қошғар, Хўтан хонларига мурожаатнома юборди, лекин улар уни қўллаб-қувватламадилар.

Рашид ад-Дин хон Қошғар ва Хўтан ҳокимларидан рад жавобини олгач, уларни қуроли куч билан итоат қилдиришга ҳаракат қилиб ўзининг укаси Жалол ад-Дин Хўжа бошчилигида Қошғарга лашкар тортди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Қошғар ҳокими Содиқбек ўзининг ҳокимиятини сақлаб қолиш учун унга қарши чиқди.

Содиқбек Қўқон хони Саид Султонга мурожаат қилиб, Жаҳонгир Хўжанинг ўғли Бузрук Хўжани Қошғар тахтига таклиф қилди¹³.

Қўқон ҳокими Олимқул¹⁴ бу фурсатдан фойдаланиб, Қошғарга тезда Бузрукхўжа билан бирга (кейинчалик Қошғарда Етти шаҳар давлатини қуришда асосий роль ўйнаган) Ёқуббекни эллик аскарга бош қилиб Қошғарга жўнатди.

Бузрукхўжа диний арбоб бўлиб, давлат, ҳокимият ишларига аралашмаган, умуман сиёсатдан беҳабар киши эди. Шунингдек, унда ташкилотчилик таланти ва

¹³ Мулла Мухаммад Иброҳим Фаноҳи. Шарқий Туркистон тарихи. Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. инвен. № 12663, 7-бет.

¹⁴ Олимқул ёш Саид султоннинг лашкарбошиси бўлиб, Қўқон ҳокимлигининг бутун ҳуқуқини ўз қўлида марказлаштирган эди. У 1865 йили Тошкент атрофида чор армияси билан бўлган жангда ҳалок бўлгач, Шайхонтоҳурга дафн қилинган. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун Мулла Маҳдум Хожининг «Туркистон тарихи». Тошкент, 1915, 147—156-бетларга қаралсин.

Шарқий Туркистонни бирлаштириб, уни бошқариб кета оладиган истеъдод ва қобилият ҳам йўқ эди. 1865 йили январда Бузрукхўжа Қошғарга келгандан сўнг, уни Хон деб эълон қилдилар. Қошғар ҳокими Содиқбек эса бош қўмондон этиб тайинлади.

Ёқуббек ўз атрофига бир группа кишиларни тўплаб Содиқбекдан бош қўмондонлик мансабини тортиб олиш учун яширин ҳаракат қилди. У Бузрукхўжа билан Содиқбек ўртасига низо солишга муяссар бўлди, натижада Содиқбек бир қисм аскарларини олиб, Бузрукхўжадан юз ўгириб, қочиб кетишга мажбур бўлди. Фурсатдан фойдаланган Ёқуббек Содиқбек одамларидан бир қанчасини сотиб олиб уни ўлдирди¹⁵.

Шундан кейин Ёқуббек Қошғар хонлигининг бош қўмондони этиб тайинланди, у аскарлари сонини кўпайтирди ва жанговор тайёргарлик машқларини олиб борди. Шундай қилиб Қошғар бутун Шарқий Туркистонда мустақил уйғур давлатини қуриш марказига айланди.

Ёқуббек Қошғарда бутун ҳарбий ва маъмурий ҳокимиятни эгаллаб олгандан сўнг, 1866 йили ноябрда Хўтан ҳокими Ҳабибулло подшога хат йўллаб, Хўтандаги Имом Жаффар Содиқ қабрини зиёрат қилишга ижозат беришни илтимос қилди. Хатга Ҳабибулло подшодан ижобий жавоб олгандан сўнг, Ёқуббек ўзининг бир қисм армияси билан Хўтан шаҳрига яқин бир жойда тўхтаб хийла билан Ҳабибуллони ҳам ўлдиртирди ва бутун Хўтанни эгаллаб, бу хонликнинг борлиқ хазина ва дафиналарини дар-ас-салтанат Қошғарга жўнатди¹⁶.

Шу 1283 хижрий йилда (мелодий 1866 й.) Ёқуббек Хўтанда кумуш танга пуллар зарб қилдирди. Бу ҳақда Муса Сайрами: «Ёқуббек Хўтанда бир мисқол шаръи¹⁷ оқ танга зарб қилди. Бир юзига لااله الا الله محمد رسول الله ни ва яна бир томонига ضرب ختن لطفى зарб Хўтан латиф сўзини зарб қилдирди»¹⁸, деб ёзади (9-фототаблицага қаранг).

¹⁵ Иброҳим Фонохий. Ўша асар, 23-бет.

¹⁶ Муса Сайрами. Ўша асар, 157—164-бетлар.

¹⁷ Маълумки, Шарқ мусулмон давлатларида оғирлик ўлчов бирлиги бўлган шаръи 2,95 граммга, бир мисқол шаръи — 4,25 граммга тенгдир.

¹⁸ Муса Сайрами. Ўша асар, 171-бет. Муса Сайрамининг «Тарих—и—аминия» асари 1905 йили Қозонда чоп қилингандак сўнг, авторда бу асарни қайтадан ишлаб, тўлдириб ёзиш ҳоҳиши

Баъзи нумизматлар (тангашунослар) тангани зарб қилган шаҳарни Хўтан номи билан боғлаб, бу тангаларни Хўтан подшоси Ҳабибулло томонидан зарб қилинган, деб тўғри талқин қиладилар. Бизнинг фикримизни Ленинград Давлат Эрмитаж музейининг нумизматика бўлимида Ҳабибулло подшо номи билан сақланаётган тангалар ҳам исботлайди¹⁹.

А. Н. Куропаткин ўзининг «Қашғария» номли асарида ҳам Ҳабибулло подшо кумуш тангаларни зарб қилди деб ёзади²⁰.

ЕТТИШАҲАР МУСТАҚИЛ УЙҒУР ДАВЛАТИНИНГ ТАШҚИЛ ТОПИШИ ВА УНИНГ ТАНГАЛАРИ

Ёқуббек Хўтанни қўлга киритгандан сўнг Қошғарга қайтиб келиб 1867 йили баҳорда Кучарни ҳам ўзига қўшиб олиш учун яна бир бошқа хийла ишлатди. У Кучар хони Рашид ад-Динга мактуб йўллаб: «Бизнинг қўшинларимизни Кучар орқали ўтиб, Цинга қарши курашишига рухсат берсангиз», деб илтимос қилди.

Рашид ад-Дин анча ўйланиб қолди, биринчидан, Ёқуббекнинг қўшинлари билан урушиб қон тўкишни хоҳламади, иккинчидан унинг сўзларига ишониб, Ёқуббек қўшинларини Кучар шаҳарининг шимолидан ўтиб кетишига рухсат берди. Шундан сўнг Ёқуббек қўшинлари Кучар шаҳарига яқин Давлат боғ деган жойга келиб тўхтади. Ёқуббек қўшинлари Давлат боққа келганда уларни зиёрат қилиш учун жуда кўп халқ тўпланган эди. Ёқуббек ана шу пайтдан фойдаланиб, ўз қуроли қўшинларини фуқороларча кийинтириб халқ орасига қўшиб юборди. Шу кечаси Ёқуббек қўшинлари Кучар шаҳрига ҳужум бошлади, халқ ичига яширин киритилган Ёқуббекнинг қуроли қўшинлари ҳаракатга келиб, шаҳар дарвозаларини очишга ёрдам берди. Рашид ад-Дин хон Ёқуббекка қарши бўлган шиддатли жангда

пайдо бўлди. Автор бу асарни қайтадан тузатиб уни «Тарихи—и—Хамиди» деб атади.

«Тарихи—и—аминия»да «Ёқуббек 1866 йили Хўтанда кумуш тангалар зарб қилдирди» деган жумлани ўзгартириб, «Ҳабибулло подшо зарб қилди» деб ёзади. Бу ҳақда Муса Сайрамининг 1986 йили Пекинда нашр қилган «Тарихи—и—Хамиди» асарининг 383-саҳифасига қаралсин.

¹⁹ Эрмитаж ОН 3193/33240—33243 номердаги тангаларга қаралсин.

²⁰ Куропаткин А. Н. Қашғария. СПб., 1879, с. 131.

қурбон бўлди. Шундан сўнг Ёқуббек Кучар шаҳрини эгаллашга муяссар бўлди²¹.

Ёқуббек Кучарни эгаллагандан сўнг ўз қўшинлари билан Қўрла шаҳрига қараб юриш қилиб, бу шаҳарни ҳеч қандай қаршиликсиз қўлга киритди. Шундай қилиб, бутун Тянь-Шан тоғининг жанубидаги ерларни Ёқуббек ўзига қарам қилиб олгандан сўнг, бу жойларда бемалол ҳукмронлик қилишига бирдан-бир тўсқинлик қилувчи Бузрукхўжа деб билиб, уни ҳажга бориб келинг деган баҳона билан қўлига тўрт минг тилла пул бериб Маккага жўнатди²².

Шундай қилиб, Ёқуббек 1865—1867 йиллари Кошғар, Хўтан, Кучар хонликларини бирлаштириш асосида Тянь-Шан тоғининг жанубидаги бошқа шаҳарларни қўшиб олиб Еттишаҳар²³ давлатини қуриб, унинг бош ҳукмдори бўлиб олди ва ўзини Ёқуббек оталик ғазни²⁴ деб агади.

Ёқуббек Еттишаҳар давлатини қургандан сўнг Кошғарда олтин, кумуш ва мис пулларни зарб қилди. Бу пулларни у ўз номидан эмас, балки Қўқон хони Саид Султоннинг отаси Маллахон номидан чиқарди. Кейинроқ бориб бу пуллар тангашунослар учун жуда кўп англашилмовчилик ва хатоликларга сабаб бўлди. Чунки биринчидан Ёқуббек бу пулларни зарб қилган вақтда Маллахон аллақачон (беш йил муқаддам, яъни 1862 йили) оламдан ўтган эди, иккинчидан бу пуллар Кошғардаги зарбхоналарда зарб қилинган бўлса ҳам, лекин бу тангаларга «зарб Қўқон» деб ёзилган, учинчидан бу тангалар зарб қилинган йил саналари Қўқон хони Маллахон ҳукмронлик қилган йиллари эмас, балки Ёқуббек Еттишаҳарда ҳукмронлик қилган 1867 йилда 1873 йилларгача бўлган даврдаги саналар қўйилган. Тўртинчидан, бу тангалар типич (орнаменти) Қўқон тангаларидаги орнаментдан фарқ қилади. Бешинчидан, Қўқон тилла пулларининг оғирлик вазни 4,5 грамм бўлса, Кош-

²¹ Муса Сайра ми. Уша асар, 31—33-бетлар.

²² Муса Сайра ми. Уша асар, 240—241-бетлар. Иброҳим Фонохи. Уша асар 28-бет. Бузрукхўжа Кошғардан йўлга чиқиб Қашмир орқали Хиндистонга ўтиб, у ердан Маккага борма й тўғри Қўқонга қайтиб келиб, Қоравултепа қишлоғида умрининг охиригача яшади.

²³ Еттишаҳарга: Кошғар, Хўтан, Ёркенд, Янгихисор, Оқсув, Кучар ва Қўрла шаҳарлари кирган эди.

²⁴ Оталиқ — Қўқон хонлигидаги 9 даражали мансаб бўлиб, бу ўзининг Қўқон хонлигига тобелигини билдиради эди. Кейин эса бу номдан воз кечиб мустақил давлат эканлигини билдирадиган ном билан ўзини «Ёқуббек бадавлат» деб атади.

ғарда зарб қилинган тилла пулларнинг оғирлиги 3,6 грамmdir. Мана шу юқорида кўрсатиб ўтилган асосий фактларнинг ҳаммаси, Ёқуббек зарб қилган тилла ва кумуш пуллар қайси бир тангашуноснинг қўлига тушса ана шу юқоридаги жумбоқни ҳал қила олмасдан ўйланиб қолишга мажбур қилади. Баъзи тангашунослар штемпель (тамға) ўйган усталарнинг хатога йўл қўйиши билан тангадаги саналар нотўғри қўйилган деган хулосани ҳам чиқаришлари мумкин.

Тангашуносларда шундай бир нақл бор: «Тангалар ўзи ҳақида ўзи гапириб беради, унинг учун ҳеч қандай қўшимча материаллар кўришнинг ҳожати йўқ» дейилса ҳам, лекин баъзан тангалар ўзи ҳақида ўзи гапириб бераолмайди. Бунга мисол қилиб Ёқуббекнинг Маллахон номидан зарб қилган тангаларини кўрсатиш мумкин.

Бундай вақтда тангашунослар албатта биринчи даражали қўлёзма манбаларига мурожаат қилиб, чигал муаммоларни ҳал қилиши мумкин.

«Ёқуббек Қўқон хонлиги устахоналаридан моҳир ва комил усталарни олдириб келиб, Маллахон номида тилла пул чиқардилар ва яна бир томондан мис пулларни қўйишга ҳаракат ва тараддулларини қилдилар»²⁵,— деб ёзади Муса Сайрами.

Ана шу манбаларга суяниб, биз шунни аниқ қилиб айта оламизки, бу тангалар Қўқон хони Маллахон даврида эмас, балки Маллахон вафотидан 5—6 йил ўтгандан сўнг, Ёқуббек томонидан Қошғарда зарб қилинган.

Нима учун Ёқуббек ўз номидан пул зарб қилмади деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Биринчидан, Шарқ мусулмон давлатларининг қонунни бўйича хон авлоди бўлмаган кишилар ўзини хон деб эълон қилиб давлат бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган ва халқ ҳам уни этироф қилмаган. Иккинчидан, агар улар ҳокимиятни эгаллаган бўлсаларда ўз номидан пул чиқариш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Ҳатто бутун Мовароуннаҳр, Эрон, Ироқ, Закавказье, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир қисмини эгаллаб буюк империя барпо этган Амир Темир ҳам ўз номидан пул чиқараолмай, қўғирчоқ Суюрғатмиш хон, сўнг Маҳмуд хонларнинг номига ўз номини қўшиб танга зарб қилган эди.

Учинчидан, Маллахон Шер-алихоннинг катта ўғли бўлса ҳам, лекин унинг укаси Худоёрхон Қўқон хонлигини эгаллаб олганлиги учун бошқаларнинг гиж-гижла-

²⁵ Муса Сайрами. Тарихи и аминия. 183-бет.

ши билан Маллахон билан бирга Ёқуббек ҳам Худоёрхонга қарши тўнтариш уюштирган эди. Бу фитна фош бўлиб, мағлубиятга учрагандан сўнг ҳар иккаласи қочиб, Бухоро амирлигига бориб бошпана топди. Маллахон билан Ёқуббекнинг ўртасидаги яқин муносабатлар ана шундай қарор топган эди.

Тўртинчидан Ёқуббекни Қошғарга Маллахоннинг ўғли Саид Султон юборганлиги учун, унинг отасининг ҳурматига атаб Маллахон номида тилло ва кумуш пулларни зарб қилдирди.

Бу тилла пулларнинг олд томонига: سيد محمد ملاخان — Саид Мухаммад Маллахон баҳодир, деб ёзилган бўлса, орқа томонига ضرب دار السلطنة خوقند لطفى — зарб дар-ас салтанат Қўқон Латиф деб ёзилгандир (II-фототаблицага қаралсин). Кумушдан зарб қилинган тангаларнинг олд томонига — Сайид Мухаммад Маллахон, орқа томонига эса ضرب خوقند لطيفى

— зарб Қўқон латиф, деб ёзилгандир (10-фототаблицага қаранг). Ёқуббек Қўқон хони Маллахон номидан бу тангаларни токи 1873 йилларгача зарб қилди. Ёқуббек 1873 йилдан кейин тилла, кумуш ва мис пулларни Маллахон номидан эмас, балки Абд ал-Азизхон ва ундан кейин Муродхон номидан зарб қилишга бош-

лади. Лекин бу тангаларнинг орқа томонига: ضرب دار السلطنة كاشغر — зарб дар-ас — салтанат Қошғар, деб ёзилган, демак бу пуллар. Қошғарда зарб қилинганлиги аниқ. Лекин XIX асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистонда бўлиб ўтган воқеаларни билладиган одамлар учун Абд ал-Азизхон билан Муродхоннинг номи жумбоқ бўлиб ҳисобланган.

Абд ал-Азизхон ва Муродхонлар ким? Буларни аниқлаш учун биз яна тарихий манбаларга мурожаат қиламиз.

Муса Сайрами бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Хижрийнинг 1286/1870 йили²⁶ тошкентлик Эшон Саидхон қозни тўра²⁷ Маккадан қайтиб тўғри Қошғарга келиб,

²⁶ Бу жойда Сайрами хатоликка йўл қўйган. Сайрами айтгандай бу воқеа 1870 йили эмас, балки 1873 йили бўлган. Тангалардаги саналар ҳам шунини тасдиқлайди.

²⁷ Эшон Саидхон бошқа адабиётларда Саид Ёқубхон тўра деб берилган.

Ёқуббек билан учрашди. У Ёқуббекка мусулмонларнинг пушти панохи халифа Рум султони Абд ал-Азизхонга элчилар юбориб ўзини маълум қилиб, ариза қилишингиз ниҳоятда зарур ва лозим, деб маслаҳат беради. Шундан кейин Ёқуббек Саид қози тўра бошчилигида, Туркия султони Абд ал-Азизхонга жуда кўп совғалар билан элчилар юборди. Бу элчиларни Туркия султони кутиб олди. Ўз навбатида Абд ал-Азизхон ҳам Ёқуббекка туркча сарпо ва қимматли олмос, ёқутлар билан безатилган олтин тож билан милтиқ-қиличларни совға қилган эди.

Бу совғалардан жуда хурсанд бўлган Ёқуббек бир неча кун тўй берди, сўнг халифа Абд ал-Азизхон исм-шарифига хутба ўқитиб, тилла ва танга пулларни унинг номида зарб қилиш ҳақида фармон эълон қилди ва бу Еттишаҳарни халифа Рум таъбаси деб атади-лар...²⁸.

Нима учун Ёқуббек қўшни Ўрта Осиёдаги Қўқон ёки Бухоро хонлигига мурожаат қилмай, Туркия султониغا мурожаат қилиб, унинг ҳомийлигини қўлга киритишга ҳаракат қилди? Чунки Россия бу даврга келиб Ўрта Осиёдаги хонликларнинг кўп жойларини ўз тасарруфига олган эди.

Ёқуббек, ўзининг Шарқий Туркистондаги ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва Цин империяси томонидан бўладиган тажовузга зарба бериш учун, мусулмон давлатларининг ҳимоясини, айниқса бу даврдаги энг кучли нуфузга ва куч-қувватга эга бўлган Туркия султониининг ҳимоясини қўлга киритишни зарур деб билган эди. Шунинг учун Туркия султониغا элчилар билан бирга қимматбаҳо совғалар юбориб, ўзининг Туркия султониغا қарамлигини билдириш юзасидан султон Абд ал-Азизхон номидан 1873—76 йиллари ва унинг вафотидан сўнг эса бир неча ой бўлса ҳам султон Муродхон номида танга пуллар зарб қилди (19-фототаблицага қаранг).

Абд ал-Азизхон номида зарб қилинган тилла пулларнинг олд томонига سلطان عبدالعزيز خان — Султон Абд ал-Азизхон ва бу тангалар зарб қилинган хижрий йили ёзилган бўлса, орқа томонига эса ضرب دار السلطنة كاشغر — зарб-дар-ас салтанат Қошғар деб ёзилгандир (12—13-фототаблицааларга қаранг).

²⁸ Муса Сайрами. Уша асар, 187—192-бетлар. Иброҳим Фаноҳи. Уша асар, 37—38-бетлар.

Кумуш тангаларнинг олд томонига *عبدالعزيز خان* — Абд ал-Азизхон деб ёзилган бўлса, орқа томонига эса *ضرب كاشغر لطيف* — зарб Кошғар латиф ва бу тангаларни зарб қилган йиллар ёзилгандир (14—15—16-фототаблицаларга қаранг).

Кумуш тангалар Хўтанда ҳам зарб қилинган бўлиб, бу тангаларнинг олд томонига *عبدالعزيز خان* — Абд ал-Азизхон деб ёзилган бўлса, орқа томонига эса: *ضرب ختن لطيف* — зарб Хўтан латиф деб ёзилгандир.

Мисдан зарб қилинган чақа пулларнинг олд томонига: *عبدالعزيز خان* — Абд ал-Азизхон ва пуллар зарб қилинган йиллар берилган бўлса, орқа томонига эса *ضرب كاشغر* (17-фототаблицага қаранг) ва баъзи бир мис пулларнинг орқа томонига Кошғар шаҳрининг эпитети — таърифи билан *ضرب كاشغر لطيف* — зарб Кошғар латиф деб ёзилгандир (18-фототаблицага қаранг).

Еттишаҳар мустақил уйғур давлати ҳукмронлик қилган вақтда Цин даврида Шарқий Туркистонда юритилган мис пуллар (ярмоқ) системаси амалдан қолдирилиб, унинг ўрнига анча прогрессив, фақат Еттишаҳар давлат ичидаги савдо муомаласида чекланиб қолмай, балки қўшни мамлакатлар билан бевосита алоқа қила оладиган ва халқаро стандартга мос тилла ва кумуш пулларни зарб қилдирди. Бу пуллар халқаро савдо-иқтисодий алоқаларда бемалол юритилган эди. Мис пулларни эса асосан кундалик савдога бўлган талабни қондириш учун давлат ичидаги савдо муомаласига чиқарган эди.

Еттишаҳар давлати даврида зарб қилинган бу уч хил бирликдаги пулларнинг шакли ва номи ҳам Ўрта Осиёдаги уч хонлик даврида юритилган пулларга ўхшаб кетар эди. Улар Ўрта Осиёда ва Шарқий Туркистонда бир хил ном билан, олтидан зарб қилинган пул тилла деб аталса, кумушдан ишланган пуллар танга, мис пуллар эса ярмоқ ва ёки чақа пул деб юритилар эди.

Тилла пулларнинг вазни (оғирлиги) 3,6 грамм бўл-

са, кумуш танганинг оғирлиги 1,8 грамм, мис пулларнинг оғирлиги 3,6 граммни ташкил қилар эди.

Бу уч хил бирликдаги пулларнинг ўзаро нисбати қуйидагича: 50 дона мис (чақа) пул бир танга кумуш пулга тенг бўлса, 25 дона кумуш танга бир тилла олтин пулга тенг эди²⁹.

Хитой тангашунос олими Пэн синь вэйнинг ёзишича: бир дона тилла танга 20 дона кумуш тангага, бир танга эса 50 дона чақа пулга баробар бўлиб, бу пулларда ҳеч қандай хитойча ёзув йўқ³⁰. Ундан ташқари Еттишаҳар давлат территориясида Бухоро ва Қўқоннинг тангалари ҳам бемалол юритилар эди³¹.

Биз юқорида келтирилган тангалар ҳақидаги фактлар тангалар тарихнинг у ёки бу соҳасидаги чигал масалаларни ёритиб беришда муҳим ҳужжат эканлигини кўрсатади.

ЕТТИШАҲАР ДАВЛАТИНИНГ ИНҚИРОЗГА УЧРАШИ ВА ЦИН ХОНЛИГИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДА ОЛИБ БОРГАН ПУЛ РЕФОРМАСИ

1872—73 йиллари Цин империяси дунгонлар кўзғолонини раҳмсизларча бостирди. Цзо цзун тан, Хе жу шаҳрини олишда 20 000 одамнинг калласидан жудо қилган бўлса, Цзун Цзи шаҳрини олишда 50 000 одамни қириб ташлади³².

Ана шундай қирғинчилик йўли билан Цин генерали Шарқий Туркистондаги Еттишаҳар давлатига бевосита ҳужум қилиш учун катта йўл очди. 1876 йили августда Цзо цзун тан жуда катта ҳарбий тайёргарликлардан сўнг Тянь-Шаннинг шимолидаги территорияларга қарши қонли юриш бошлади.

Цзо цзун тан аскарлари замонавий қурооллар билан қуроолланган ва мутлоқ кўпчиликни ташкил қилганлигидан бир қатор жойларни қайта босиб олди.

Бу қирғин фожиали воқеаларнинг гувоҳи бўлган ва ўз кўзи билан кўрган рус савдогари И. О. Каменский: «ваҳшийликлар ҳадидан ошди, айниқса ҳар бир ўлдирилган дунгон халқи бошига икки сар кумуш³³ тўлан-

²⁹ Куропаткин А. Н. Кашгария. СПб., 1879.

³⁰ Пэн синь вэй. Чжунго хоби ши (Хитойнинг пул тарихи). Шанхай, 1965, 799-бет.

³¹ Куропаткин А. Н. Кашгария. СПб., 1879, с. 52.

³² Куропаткин А. Н. Кашгария. с. 129.

³³ Бир сар кумуш 36 граммга тенгдир.

ганлиги учун, уларнинг айбли ва айбсиз эканлигига қарамай, ҳатто манъжур армияси ичидаги дунгонлар ҳам қириб ташланди³⁴, — деб ёзади.

Цзо цзун тан аскарлари босиб ўтган ҳамма жойлар хонавайрон бўлиб, уйғур халқининг миллий ғурури бўлган қадимий тарихий обидалар ҳам куйдириб ер билан яксон қилинди.

Манъжур-хитой аскарларининг Шарқий Туркистондаги ҳар бир миллат халқлари устидан олиб борган ваҳшийлик ҳаракатлари муносабати билан шу даврдаги Туркистон генерал-губернатори К. П. Қауфман Цзо цзун танни инсофга чақириб: «Буюк давлат саркардаларига мансуб иш қилмадингиз, бу ваҳшийликлар Хитой ўзига қарам қилмоқчи бўлган ерли халқлар орасида ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин»,³⁵ — деб норозилик эълон қилган эди.

Цзо цзун тан қўшинлари 1876 йилнинг охирларигача Тянь-Шан тоғининг шимолидаги ҳамма жойларда (Или вилоятидан бошқа) ўз ҳукмронлигини тиклади. Қиш фасли кириб қолганлиги учун Еттишаҳар давлатининг асосий территорияси бўлган Тянь-Шаннинг жанубидаги жойларга юриш вақтинча тўхтатилди.

1877 йил баҳор кириши билан Цзо цзун тан ва Лю цзун тан қўшинлари Тянь-Шаннинг жанубидаги Еттишаҳар давлатига юриш бошлаб Ёқуббек армиясига зарба бериб, бир қатор жойларни эгаллади. Ана шундай мураккаб бир вазиятда, Цзо цзун тан томонидан сотиб олинган Ёқуббекнинг амалдорларидан бири Ниёзбек 1877 йили 30 май кунни Ёқуббекка заҳар бериб ўлдирди³⁶.

Ёқуббек вафотидан сўнг унинг меросхўрлари билан амалдорлари ўртасида низо келиб чиқиб, ҳокимиятни қўлга олиш учун ўзаро кураш кучайиб кетди. Ёқуббекнинг катта ўғли Бекқулибек ўз укаси Ҳаққулибекни ўлдирди³⁷. Оқсув ҳокими Ҳокимхон тўра ва Хўтан ҳокими Ниёзбек Бекқулибекни эътироф қилмади, натижада ўзаро жангу жадаллар давом этди. Буларнинг ҳаммаси манъжур — хитой қўшинларининг Еттишаҳар давлатини босиб олишини осонлаштирди. 1877 йили 24 сентябрда Цзо цзун тан қўшинлари Кўрла шаҳрини эгаллади. Кучар ҳокими Камолхон тўра манъжур-хитой қўшинла-

³⁴ Очерки истории Советских дунган. Фрунзе, 1967, с. 60.

³⁵ Против Маоской фальсификации истории киргизии. Фрунзе, 1981, с. 118.

³⁶ Иброҳим Фаноҳи. Уша асар, 41-бет.

³⁷ Уша асар, 41-бет.

рига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай ўз қўшинлари билан Фарғонага қараб қочди³⁸.

Ёқуббек даврида ислом қиличидан қўрқиб мусулмончиликни қабул қилган хитойларни «янги мусулмон» деб атар эдилар. Улар ҳам манъжур-хитой аскарларининг Қошғарга етиб келиши билан унинг дарвозаларини кенг очиб, ўз ватандошларини қучоқ очиб кутиб олиб, шаҳарни хитойларга топширдилар³⁹.

Шундай қилиб, 1877 йил 17 декабрда Лю цзунь тан қўшинлари Қошғарни олишга муваффақ бўлди.

Бекқулибек билан дунгон қўшинларининг раҳбари Бай янь ху Цин қўшинларига қаршилик кўрсата олмай бир қисм аскарларини ҳужум қилиб келаётган Цин қўшинларини ушлаб туришга қолдириб, ўзлари Урта Осиё ва Қозоғистонга чекинди. Улар билан бирга манъжур-хитой қўшинларининг жазолашидан қўрқиб, жуда кўп бегуноҳ халқлар ўзларининг иссиқ уй-жой, мол-мулки, она-ватанини ташлаб қаҳратон қиш ва совуқ кунларда тоғ-адирлар ошиб, Урта Осиё чегарасига қочиб ўтди⁴⁰.

Манъжур-хитой қўшинларининг Шарқий Туркистонни иккинчи навбатда қайта босиб олиш жараёнида уларнинг қилган ваҳшийликларини хитой тарихчиларининг ўзлари ҳам эътироф қилиб «Бутун уй-иморатлар бузиб вайрон қилинган, мол, чорва ва мол-мулклар талон-тарож қилинган, ерли аҳолини эркак, аёл ёки қари, ёш деб ажратмай қириб ташлаганлар, ҳамма жойда одамлар, жасади билан дарё бўлиб оққан қонни кўриш мумкин»⁴¹, — деб ёзган эди.

Манъжур, хитой феодаллари босиб олинган ерларда бир қатор сиёсий-иқтисодий чора тадбирлар ўтказдилар, ана шундай иқтисодий чора-тадбирлардан бири Цин хонлигининг Шарқий Туркистонда олиб борган пул реформасидир. Бу реформа Еттишаҳар давлати томонидан муомалага чиқарилган уч хил пул (олтин, кумуш, мис) бирлигини йўқ қилиб, 1878 йилдан бошлаб, Шарқий Туркистонда юритиш учун махсус кумуш ва мис пулларни чиқарди.

Кумуш пуллар қуйидаги беш хил номиналда чиқарилди. 1. Ярим мисқол — 1,80 грамм; 2. Бир мисқол —

³⁸ Уша асар, 41-бет.

³⁹ Пржевальский М. Н. От Кяхты на исток Желтой реки СПб., 1888, с. 250.

⁴⁰ Куропаткин А. Н. Кашгария, с. 215.

⁴¹ Люй чжень юй. Чжунго миньцзу цзянь ши (Хитойдаги оз сонли миллатларнинг қисқача тарихи). Пекин, 1951, 117-бет.

3,60 грамм; 3. Икки мисқол — 7,20 грамм; 4. Уч мисқол — 10,80 грамм; 5. Беш мисқол — 18 граммни ташкил қилади.

Бу беш хил номиналдаги кумуш пулларни асосан Қошғарда (23, 24, 25, 26, 27, 32, 34-фототаблицааларга қаранг), Ёркентда (30-фототаблицага қаранг), Хўтан, Янгиҳисорда (31-фототаблицага қаранг), Оқсувда (20, 21, 22-фототаблицааларга қаранг), кейинроқ Урумчида зарб қилдирилди. (29, 33-фототаблицага қаранг). Бу тангаларга зарб қилинган жойлар номи манъжур ва уйғур тилларида берилган бўлиб, пулнинг номинали (қиммати) эса Хитой ва уйғурча берилгандир. Тангаларни зарб қилинган йили эса мусулмонча ҳижрий йили ва араб рақамлари билан ёзилгандир.

Юқоридаги беш хил номиналдан ташқари Шарқий Туркистонда юритилган кумуш пуллар ичида, баъзи кумуш пулларга хитой иероглифи билан «Сянь пин» — уч мисқол, ёки «Сянь пин» — беш мисқол деб ёзилган. Бу сўзнинг маъноси Хитойдаги Хўнан ўлкасининг оғирлик ўлчов бирлиги асос қилиб берилган бўлиб, Хўнан ўлкасида юритилган бир сар «Сянь пин»нинг оғирлиги тахминан 30 граммга тўғри келган⁴².

Яна баъзи кумуш тангаларни олди томонига фақат хитойча иероглиф «чу» ёзилгандир. Хитойча ёзилган бу иероглиф ҳам Хўнан ўлкаси деган маънони беради (28-фототаблицага қаранг).

Хўш, нима учун Шарқий Туркистонда зарб қилинган танга пулларда Хўнан ўлкасининг оғирлик бирлиги ва ёки бу ўлканинг номи ёзилган? Текшириб ўрганишларнинг ҳаммаси бу номнинг Шарқий Туркистонда зарб қилинган тангаларга тасодифан қўйилмаганлигини кўрсатди. Чунки Шарқий Туркистонни иккинчи марта босиб олган Хитой генералларидан Цзо цзун тан билан Лю цзун танларнинг асил юрти Хўнан ўлкаси бўлганлиги учун, улар Шарқий Туркистонда ўзларининг мустахлакачилик изини «мангу» қолдириш ниятида бу тангаларни Хўнан ўлкасининг номи ва оғирлик ўлчов бирлиги билан зарб қилдирганлар.

Цзо цзун тан Шарқий Туркистонни босиб олгандан сўнг бу ерларни бошқариш ҳуқуқини ўзининг юртдоши Лю цзун танга инъом этди. Бу ҳақда Шарқий Туркистонга XIX асрнинг охирида саёҳат қилган ва бу ўлкани ўрганган рус сайёҳи ва тадқиқотчиси М. И. Певцов: «Синь цзян ўлкасининг генерал-губернатори Лю

⁴² Циюань (Хитой тилининг луғати). 1947, 899-бет.

цзун тан Хитой миллатига мансуб бўлиб, асил юрти Хўнандир. Хитойда қадимдан қўл остидаги амалдорларни ўз юртдошларидан жалб қилиш одат тусига кириб қолган. Лю цзун тан ана шу традицияни давом эттириб, Хўнандан ўзига ишончли бўлган жуда кўп амалдор офицерларни олиб келиб ишга жойлаштирди. Ҳозир Синь цзяндаги амалдорларнинг ҳаммаси хўнанлик бўлиб қолмай, балки солдатлар ҳам хўнанликдир»⁴³, — деб ёзган эди.

Нима учун икки ярим минг йилдан бери савдо муомаласида фақат мис (бронза) пул ишлатиб келаётган хитойлар, ҳали бутун хитой кумуш пул системасига ўтмаёқ Шарқий Туркистонда 1878 йилиёқ (Хитойда эса 1889 йили) кумуш пул системасини юргизди?

1. Еттишаҳар давлатида хитойлар томонидан чиқарилган мис (бронза) пуллар амалдан қолдирилиб, унинг ўрнига олтин, кумуш пул системасини қўлланганлигидан, мис (бронза) пулларига ерлик халқлар гумон билан қараб уни савдо муомаласида қабул қилмади.

2. Хитойнинг бурунги пуллари фақат Шарқий Туркистонда қадрсизланиб қолмай, балки бутун Хитой бўйича қадрсизланиб кетган эди.

3. XIX аср охирларига келиб Цин империяси ва феодал тузумининг чириб боришига қарамай, капиталистик муносабатларининг тараққий қилиб, товар ва пул муносабатларининг кучайиши билан пулнинг савдо капиталидаги роли ошиб борди.

4. Мис пулларнинг давлат ташқи ва ички савдо муносабатларида ва ўзаро ҳисоб-китоб ишларида қўлланиши жуда ноқулай эди. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг охирларида Хитойга борган немис сайёҳи Вертег Г. «Хитойнинг ички ўлкаларида катта суммаларни (чет эл пуллари) чақа пулларга майдалаш анча қийин, шунинг учун мен ҳар доим ўзим билан 30—40 тизим⁴⁴, яъни 30 дан 80 кг гача бўлган чақа пулни олиб юраман, шунинг учун менинг ҳамёним бир арава бўлган эди»⁴⁵, — деб ёзади. Ана шундай тарихий вазият остида хитойлар кумуш пулларни зарб қилишга бошлайдилар. Шарқий Туркистоннинг Или вилояти территориясини 1871—1881 йиллари Россия армияси вақтинча эгаллаб турганда савдода бу ерларда ҳам Россиянинг кумуш тангалари-

⁴³ Певцов М. В. Путешествие в Кашгарию и Кунь лунь. М., 1949, с. 268.

⁴⁴ Хитойлар ўртаси тешик пуллардан ип ўтказар эди. Мишг донасини улар «бир дяо» ёки «чуван» деб атар эди. Бу бир тизим пул деган маънони англатади.

⁴⁵ В а р т е г Г. Китай и китайци. СПб., 1900, с. 325.

юритилган бўлиб, Россиянинг икки сўми Хитойнинг бир сар кумушига баробар бўлган⁴⁶.

Цин сулоласининг охириги йилларида Хитой тарихида биринчи бўлиб бир ва икки мисқолли тилла пуллар зарб қилинди. Бу пулларнинг олд томонида хитой ва уйғур ёзувлари билан пулнинг номинали (қиммати) берилган бўлса, орқа томонида эса аждарҳонинг тасвири берилган. Бу тилла тангалар жуда кам зарб қилинганлиги учун савдо муомаласида юритилмасданоқ уни пулдор бойлар йиғиб олар эдилар.

СИНЬХАЙ ИНҚИЛОБИДАН КЕЙИНГИ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН

1911 йилдаги Синьхай инқилоби натижасида Хитойдаги Цин сулоласининг ҳукмронлиги афдалириб, 2000 йилдан буён ҳукмронлик қилиб келган Хитойдаги феодаал монархия тузуми йўқотилди. Унинг ўрнига Хитой буржуа-демократик республикаси тикланган бўлса ҳам, лекин Шарқий Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади. Аксинча сиёсий зулм, иқтисодий эзиш янада кучайди.

Шунинг учун ҳам буюк рус олими Н. М. Пржевальский бу ҳақда тўхталиб: «Хитой ўзига ёт бўлган халқларни маданий йўллар билан ассимиляция қилишни билмаганлиги учун, улар ҳаддан ташқари маккорлик, худбинлик ва ҳарбий кучга таяниб бошқармоқда»,⁴⁷ — деб ёзган эди.

Синьхай инқилобидан кейин ҳам Хитойнинг пул муомала системасида ўзгаришлар бўлмади. Илгарилари Цин хонадонлиги даврида зарб қилинган 1, 2, 3, 5 мисқолли кумуш пулларни савдо муомаласида юритиш давом эттирилди. Кейинроқ бориб аста-секин ўзларининг танга ва чақа пулларини чиқара бошладилар.

1913—1914 йилларга келиб Хитой буржуа республикасининг пуллари пайдо бўлди. Бу пуллар Цин хонадонлиги томонидан чиқарилган пуллардан бир томонига «Чжунгуа Миньго» яъни (Хитой республикаси) деб ёзилган ёзувлар, йил саналари билан фарқ қиларди. Бу даврга келиб 1, 2, 3, 5 мисқолли пуллар билан бирга

⁴⁶ Грум Гржимайло Г. Е. Описание путешествия в запад. Китай. Т. I. СПб., 1896, с. 97, 341.

⁴⁷ Пржевальский Н. М. От Кяхти на истоки Желтой реки, с. 509.

энг катта номиналдаги бир сар оғирликдаги кумуш пуллар ҳам чиқарила бошланди. Мис пулларни эса Европа пулларига ўхшатиб, машиналар ёрдамида ўртаси тешиксиз қилиб чиқара бошлашди. Кумуш пуллар асосан танга деб аталар эди. 1911 йилдан кейин чиқарилган кумуш пулларни эса Яр чэн деб юритилди.

Яр чэн уйғур талаффузи билан айтилган хитойча йн цянъ сўзининг транскрипциясидир.

Мис пулларни эса уйғур тилида ярмоқ, жез, чақа ёки мис пул деб атар эдилар. Хитой транскрипцияси билан «Дацянь» деб ҳам атайди. Бу сўз Хитой тилидан қабул қилинган бўлиб, мис пуллар кумуш пулларга нисбатан катта бўлганлиги учун «да цянъ», яъни катта пул деб аталарди.

1912 йили Шарқий Туркистонда кенг халқ оммасининг босими остида Цин ҳукуматининг Урумчида турган генерал-губернатори Юань да хуа республика тузумини эълон қилган бўлса ҳам лекин амалда ҳеч қандай сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бўлмади.

Халқ норозилигидан қўрққан Юань да хуа ўз ўрнини Ян Цзен Синьга бўшатиб берди ва уни Синь цзян ўлкасининг вақтли ҳукумат раиси қилиб белгилади. Лекин халққа сиёсий эркинлик, ҳеч қандай иқтисодий енгиллик берилмади.

У Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилган даврларда турли бож солиқлар кўпайиб кетди. Масалан, 1911 йили Шарқий Туркистондан олинган умумий бож солиқлар 1 миллион 160 минг сар кумушни ташкил қилган бўлса, 1913 йилга бориб у 1 миллион 505 минг сар кумушга, 1916 йилган келиб 3 миллион 370 минг сар кумушга кўпайди. Яъни қисқагина 5 йил ичида турли бож, солиқлар 3 ھиссадан ошиб кетди⁴⁸.

Биринчи жаҳон уруши давридаги жаҳон сиёсий ва иқтисодий кризиси Шарқий Туркистон халқларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Айниқса, 1916—1917 йиллари Шарқий Туркистон халқларининг турмуш эҳтиёжлари учун зарур бўлган саноат маҳсулотларининг Россиядан келишининг кескин қисқариб кетиши саноат молларига бўлган бозор нархининг кўтарилиб кетишига, халқ турмушининг янада ночорлашиб кетишига таъсир этди.

Хитой амалдорлари, офицерларининг ўзбошимчилиги, миллий ассимиляция ва миллий камситишларнинг ҳаммаси халқ норозилигини кўзғатди.

⁴⁸ Уйғурларнинг қисқача тарихи. Пекин, 1960, 65-бет.

1912 йили Қумул халқи Темур халифа бошчилигида, Кучарда 1918—1919 йиллари Мамтелихон бошчилигида кучли миллий-озодлик ҳаракатлари бошланди. Бу ҳаракатларни хитойлар бир томондан қаттиққўллик билан раҳмсизларча қирғинчилик йўли билан, иккинчи томондан айёрлик билан, уларга жуда кўп сиёсий, миллий ва диний эркинликларни ваъда қилиб тинчитишга муваффақ бўлди.

Қўзғолонни бостириш даврида берилган барча ваъдалар эсдан чиқди, қўзғолон келтириб чиқарган асосий сабаблар ҳал бўлмади. Миллий камситиш, иқтисодий зулмининг кучайиши, сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсизлик ерли халқларнинг хитой милитаристлари ва феодалларига қарши 1931 йили Хўжа Ниёз Хожи бошчилигидаги бутун Шарқий Туркистон халқларининг кенг кўламдаги миллий-озодлик ҳаракатининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Қўмул деҳқонлар қўзғолони XX асрнинг 30-йилларида келиб чиққан энг кучли ва кенг кўламдаги миллий-озодлик ҳаракатларининг бири бўлса ҳам, лекин бу ҳаракатга тўғри раҳбарлик қиладиган кучли сиёсий ташкилот ва унга бошчилик қиладиган истеъдодли раҳбар бўлмагани учун ундан ашаддий реакционер ва маккор Хитой милитаристи Синь си цай фойдаланди.

Синь си цай 1933 йили 12 апрель куни сиёсий ўзгариш ясаб, бутун ҳокимиятини ўз қўлига олди. Бу даврда Шарқий Туркистонда терроризм яна ҳам кучайди. 10 минглаб одамлар ўлдирилиб, уларнинг бутун мол-мулки мусодара қилинди.

Синь си цай даврида Шарқий Туркистоннинг иқтисодий аҳволи янада оғирлашди. Сар, қоғоз пул бирлиги қилиб олинган бўлиб, бу даврда муомаллага чиқарилган 50 сар қоғоз пулга бир қути гугурт, ёки 50 сар пулга битта тухум сотиб олиш мумкин бўлган⁴⁹.

Айни вақтда Шарқий Туркистондаги қоғоз пуллар ҳам бирликка келтирилмаган бўлиб, Қошғар вилоятида юритилган пулни Қошғар пули деб атар эдилар.

Бу қоғоз пуллар қадрсизланиб кетганлигидан бу даврга келиб бозор савдо муомаласида, ҳатто Цин хонадонлиги даврида зарб қилинган мис пуллар билан бирга, шимолий милитаристлар даврида зарб қилинган кумуш тангаларни харид қилиш ҳоллари бўлган⁵⁰.

Пул муомаласидаги иқтисодий кризисни тузатиш

⁴⁹ Синь цзян ижтимоий фанлар тадқиқоти, 1983, 3-сон, 15-бет.

⁵⁰ Уша жойда.

учун Синь си Цайнинг муовин молия министри Мао цзинь пул реформаси ўтказиб, «сар» пул системаси ўрнига «юань» (доллар)ни бирлик қилган янги, Синь цзян пулини чиқарди.

1939 йили 1 февралдан бошлаб қуйидаги номиналдаги 10, 5, 3, 1 юань (доллар), 5 мао (50 тийин), 3 мао (30 тийин), 2 мао (20 тийин), 1 мао (10 тийин), 5 фэнь (5 тийин), 2 фэнь (2 тийин), 1 фэнь (1 тийин) пулларни муомалага чиқарди. Узоқ вақт ўтмай янги чиқарилган долларнинг ҳам қадрсизланиши натижасида бозор нарх навосининг ошиб кетиши кенг меҳнаткаш оммасининг иқтисодий аҳволи янада ёмонлашувига олиб келди. Сиёсий ва иқтисодий кризиснинг кучайиб кетиши миллий-озодлик кўзғолонини келтириб чиқарди, натижада 1944 йили мустақил Шарқий Туркистон жумҳурияти тузилди.

Бу ҳукумат ўз олдига мустақил пул чиқариш билан Шарқий Туркистон нумизматикасида алоҳида ўргана-ладиган янги бир даврни очиб берди.

РАСМЛАР

Њз томони


Орқа томони





1




2




3




4








5




6



7



8






9



10



11



12





13



14



15



16



17





18



19



20



21



22






23



24



25



26



27



28





29




30



31



32



33



34



ФОТОТАБЛИЦА РҮЙХАТИ.

1. Жунгор хони, Цеван Тайчжи даврида (1697—1727) Еркендда зарб этилган мис пул.
2. Жунгор хони, Галдон Церен даврида (1727—1745) Еркендда зарб этилган мис пул.
3. Цин хони, Цянь лун даврида (1736—1796) Еркендда зарб этилган бронза пул.
4. Цин хони, Цзя цинь даврида (1796—1820) Илида зарб этилган бронза пул.
5. Цин хони, Дао гуон даврида (1821—1850) Синь цзянда зарб этилган бронза пул.
6. Цин хони, Сянь фэн даврида (1851—1861) Илида зарб қилган бронза пул.
7. Рашид ад-Дин хоннинг 1864—1866 йилларда Кучарда зарб қилган бронза пул.
8. Рашид ад-Дин хоннинг 1864—1866 йилларда Оқсуда зарб қилган бронза пули.
9. Ҳабибуллохон томонидан 1866 йили Хўтанда зарб қилган кумуш танга, бир мисқол.
10. Еқуббек томонидан 1289/1872 йили марҳум Қўқон хони Маллахон номидан Қошғарда зарб қилинган кумуш танга, ярим мисқол. Тангада зарб қилинган жой номи Қўқон деб кўрсатилган.
11. Еқуббек томонидан 1288/1871 йили марҳум Қўқон хони Маллахон номидан Қошғарда зарб қилинган тилла танга, бир мисқол. Тангада зарб қилинган жой номи Қўқон деб кўрсатилган.
12. Еқуббек томонидан 1291/1874—75 йилларда Туркия султони Абд ал-азиз-хон номида Қошғарда зарб қилинган тилла танга, бир мисқол.
13. Еқуббек томонидан 1293/1876 йили Туркия султони Абд ал-азиз-хон номидан Қашғарда зарб қилинган тилла танга, бир мисқол.
14. Еқуббек томонидан 1290/1873—74 йилларда Туркия султони Абдал-азиз-хон номидан Қошғарда зарб қилинган кумуш танга, ярим мисқол.
15. Еқуббек томонидан 1292/1875 йили Туркия султони Абд ал-азиз-хон номидан Қошғарда зарб қилинган кумуш танга, ярим мисқол.
16. Еқуббек 1293/1876—1294/1877 йилларда Туркия султони Абд ал-азиз-хон номидан Қошғарда зарб қилинган кумуш танга, ярим мисқол.
17. Еқуббек томонидан 1293/1876 йили Туркия султони Абд ал-азиз-хон номидан Қошғарда зарб қилинган мис пул.
18. Еқуббек томонидан 1293/1876 йили Туркия султони Абд ал-азиз-хон номидан Қошғарда зарб қилинган мис пул.
19. Еқуббек томонидан 1293/1876 йили Туркия султони Муродхон номи билан Қошғарда зарб қилинган тилла танга.
20. Цин хони Гуан сюй номи билан 1296/1878—79 йилларда Оқсувда зарб қилинган ярим мисқолли кумуш танга.

21. Цин хони, Гуан суй номи билан 1295/1878 йили Оқсувда зарб қилинган икки мисқолли кумуш танга.
22. Цин хони, Гуан суй номи билан 1311/1893—94 йилларда Оқсувда зарб қилинган беш мисқолли кумуш танга.
23. Цин хони, Гуан суй номи билан 1295/1878 йили Қошғарда зарб қилинган бир мисқолли кумуш танга.
24. Цин хони, Гуан суй номи билан 1310/1892—93 йилларда Қошғарда зарб қилинган беш мисқолли кумуш танга.
25. Цин хони, Гуан суй номи билан 1322/1904—1905 йилларда Қошғарда зарб қилинган беш мисқолли кумуш танга.
26. Цин хони, Гуан суй номи билан Қошғарда зарб қилинган ярим мисқолли кумуш танга.
27. 1313/1895—96 йилларда Синь цзянда зарб қилинган ярим мисқолли кумуш танга.
28. 1295/1878 йили Синь цзянда «чу» Хўнан ўлкасининг номи билан зарб қилинган ярим мисқолли кумуш танга.
29. Цин хони, Гуан суй даврида зарб қилинган йил ва жойи номаълум бўлган ярим мисқолли кумуш танга.
30. Цин хони, Гуан суй даврида Еркенда зарб қилинган ярим мисқолли кумуш танга.
31. Цин хони, Гуан суй номи билан 1895 йили Янги Хисорда зарб қилинган ярим мисқолли кумуш танга.
32. Цин хони, Сюань — тун даврида 1329/1911 йили Қошғарда зарб қилинган беш мисқолли кумуш танга.
33. Цин хони, Сюань — тун даврида 1910 йили Синьцзянда зарб қилинган 10 дацянлик (ярмоқ) мис пул.
34. Хитой республикаси даврида 1331/1912—13 йилларда Қошғарда зарб қилинган 10 дацянлик (ярмоқ) мис пул.